

ДИКТАТОРЛАРГА БИР ҚАМЧИ



Мен авваллари инқилоб сўзини севмас эдим, чунки ўрта мактабнинг зерикарли дарсларида, кейин совет армиясининг сиёсий ўқишларида, кейин эса университет аудиторияларида инқилоб сўзини тинмай эшитиш мен учун бир азоб ҳолига келганди.

Қолаверса, инқилоб, тўғрироғи болшевикларнинг революцияси ўтган асрнинг 20-йилларида менинг аждодларимни қатл этди. Инқилобга қаршилигимнинг яна бир сабаби, у мен учун бир куллик рамзи, диктатура тимсоли эди. Бу сўзга қарши аллергия шу қадар кучли эдики, Гуржистон ва Украинада бўлиб ўтган воқеаларни бир муддат инқилоб, деб атагим келмади. Аммо кейин кўрдимки Каримов каби териси қалин диктаторларга таъсир этиши учун инқилоб сўзидан ҳам аччиқроқ сўзи йўқ экан.

Буни Каримов Андижон аҳолисини қатл этгандан сўнг қўрқувдан қалтириб аввал Пекинга кейин Москвага ўз жонини сақлаш учун ёлвориб борганида тушундим. У ўзининг хомийларига Халқ инқилобидан қутқаришини сўраб ёлворганди ўшанда. Биз бугун ўша диктатуралар кўрқадиган инқилоб сўзига қайтйапмиз. Бу сўз тобора истеъмоладан чиқиб кетаётган бир пайтда тақрорлапмиз уни, инқилобнинг Марказий Осиёда мағлубияти ҳақидаги ғийбатлар авжига чиқган бир пайтда бу сўзга мурожаат қиляпмиз.

Мунофиқлар инқилоб, революция сўзини Дарвиннинг сафсатаси бўлган эволюцияга алмаштириб, ақлли иш қилгандай гердайиб турганда бу сўзни айтаяпмиз биз.

Бу сўз, бу калима бизнинг хаёлларимизда бир лангар, бир мувозанат вазифасини ўтамоқда бугун, худди ўтган асрларда мазлумлар учун умид соҳили бўлгани каби. Фақат биз инқилоб сўзига ноқулай бир пайтда

қайтйапмиз, инқилоб воситасида маданият босқичларини хатлаган ғарб давлатлари унинг маданий метод эмаслигини айтаётган бир пайтда бу сўзга қайтйапмиз.

Бу давлатлар фикрича Каримов каби диктаторлар маданий бўлмаган инқилоб воситасида эмас, холис ва демократик сайловлар воситасида лавозимини тарк этиши керак эмиш.

Диктатор Каримовнинг холис ва демократик сайловлар ўтказишдан ҳеч шубҳалари йўқ гўё уларнинг. Ҳа, маданий давлатларнинг ташқи ишлар вазирликларида инқилоб сўзини эшитишни исташмайди.

Чунки бу сўз уларга дарров қонли Андижонни эслатади. Бу сўз Юшенко шарафига отилган мушакларни эмас, Каримовнинг гўдакларга отган оғир калибрли кўрғошинларини эслатади. Шунингдек бу сўз уларга Каримовнинг жаллод режимига қарши хўжақўрсинга жорий қилган ўз санкцияларининг бекор қилиниши эслатиши ҳам муқаррардир.

Хуллас, биз инқилоб калимасига жуда ҳам ноқулай бир аснода мурожаат қиляпмиз. Биз ҳур миллатларнинг манфаатлари мазлум халқларнинг ҳақларига зид турган бир пайтда бу сўзни истемольга киритаяпмиз.

Эътиқод ва Идеаллар омонсиз бир синовдан ўтаётган пайтда, инсон шахсиятининг қобиғи худди фильмдаги каби аста сидирилиб тушаётган бир пайтда, йўлбошчилик қилиш оғирлашган бир пайтда, лидерлик тоталитар ўлкалардаги каби ҳаёт ва мамот масаласи бўлмаган фаровон ғарбда ҳам ниҳоятда қийин маслакка айланган бир пайтда биз инқилоб сўзига қайтишга қарор қилдик.

Биз бу сўзга дунёнинг даъвомизга нисбатан муз каби лоқийдлигига қарамай, мунофиқларнинг заҳарли табассумларига қарамай, сохта дўстларнинг хоинликларига қарамай, истибдод йилларида тўпланган бутун катта кичик машаққатларга қарамай, биз яна инқилоб сўзини истеъмолга киритишга жазм этдик.

Бу дахшатли фалаждан, бу тарихий жонсарақликдан қутилиш учун, чорак асрлик ғафлат уйқусидан уйғонмоқ учун, уйғониб оёққа туриш учун ва ўлкамизни иблиснинг кучоғидан қутқармоқ учун бу сўзни талаффуз этапмиз.

Яшасин Инқилоб!

Муҳаммад Солиҳ

КАРИМОВНИНГ ЮРАК КАСАЛЛИГИ ҲАМ, УЧРАШУВИ ҲАМ ТЎҒРИ БЎЛИШИ МУМКИН

Яқинда ББС ўзбек хизматидан олинган хабарга кўра, бугун Президент Каримов Оқсаройда Қозоғистон Ташқи Ишлар Вазири Ерлан Идрисовни қабул қилган.

Қозоқ манбалар учрашувнинг режалаштирилмаган учрашув эканлигини таъкидлаганлар ва Каримовнинг соғлиғи ҳақида маълумот бермаганлар.

Шунингдек, Ўзбекистон диктаторининг соғлиғи ҳақида маълумот бериши мумкин бўлган видео ёки фото материаллар ҳам тарқатилмаган.

Ўзбекистон расмий идоралари ҳам бу учрашувни ҳозиргача тасдиқламаганлар.

Бизнинг фикримизга кўра, 19 мартда юрак инфарктига дучор бўлган Ислон Каримовнинг соғлиғи ўтган саккиз кун давомида даволаниш натижасида бир мунча яхшиланган бўлиши мумкин.

Шифокорларнинг маълумотига қараганда юрак инфарктининг энгил ҳолларида хастанинг аҳволи уч кундан кейин, оғир ҳолларда эса бир ҳафта ёки ўн кундан кейин нормаллашиши мумкин.

Президент Каримов ўзини соғлом қилиб кўрсатиш учун Қозоғистон Ташқи Ишлар вазири билан номигагина учрашганга ўхшайди.

Эртага Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенатининг навбатдаги сессияси очилади.

Унда Ислон Каримовнинг қатнашиши ёки қатнашмаслиги бу диктаторнинг соғлиғи ҳақида кўпроқ маълумот бериши мумкин.

ЎХХ Ахборот Маркази

Бундан бир неча ой олдин диктатор Каримов ҳукумати ҳаракатимиз борасида анча хотиржам эди. Чунки ҳаракатнинг расмий сайти синдирилган ва қайта куч тўплай олмаган, бунинг устига бу диктаторнинг малайлари УХХни қуршовга олганди. Аммо қисқа муддатда сайтимиз қайта кучга кирди, “Однокласники” гуруҳимиз аъзоларининг сони 26 мингдан ошиб кетди. Бу эса УХХ нинг хориждан туриб бўлса ҳам халқимиз билан қайта бирлашганини билдирарди.



ЎХХНИНГ СОҒЛОМЛИГИ ВА ДИКТАТОРНИНГ (ДИКТАТУРАНИНГ) ХАСТАЛИГИ

Ҳаракатнинг бундай ҳужумга ўтиши режимни саросимага солиб қўйди ва қайта зарба кечикмади: “Однокласники” гуруҳимиз йўққа чиқарилди...

Аммо кураш қизигандан қизиди. Биз “Файсбокда” “Каримов кет” номи билан янги гуруҳ очдик ва тез орада аъзолар сони 8 мингга яқинлашиб қолди. УХХ сайтида Усмон Ҳақназаров тахаллуси билан долзарб мақолалар, шу жумладан МХХ билан ҳамкорлик қилаётган сохта мухолифатчилар рўйхати эълон қилинди.

Ва ниҳоят диктатор Каримовнинг юрак инфарктига чалингани ҳақидаги хабарлар туфайли Ўзбекистон режими ҳақида ахборот тўс тўполони бошланди. Табиийки, УХХ ва унинг раҳбари Муҳаммад Солиҳнинг доврўғи худди 1990 йиллар, яъни мустақилликнинг илк йилларида каби Ўзбекистон халқи ва халқаро жамоатчилик назарига тушди. Бу билан УХХнинг ҳақиқий мухолиф ҳаракат эканлигини яна бир марта ўз тасдиғини топди.

ЎХХдан бундай ҳужумни кутмаган Ислом Каримов ва малайлари қарши ҳужумга ўтишга мажбур бўлдилар. Биз Каримовнинг 19 март куни инфаркт бўлганини хабар қилган эдик. Орадан 8 кун ўтиб Каримовнинг Қозоғистон Ташқи Ишлар Вазирини қабул қилгани ўзбек телевидение-сидан кўрсатилди. Кейин маълум бўлишича бу учрашув режалаштирилмаган ва қозоқ вазир унга ўзи истамаси ҳам ўзбек томонининг қўяр қўймас илтимосларига биноан борган экан.

28 мартда Ўзбекистон парламентининг умумий мажлисида ҳам Ислом Каримов қатнашмади. Бу билан унинг бетоблиги ҳақидаги шубҳалар янада кучайди...

Аслида Ўзбекистон диктаторининг соғлиғини узоқ муҳокама қилишга ҳам ҳожат йўқ. Ёши 75 га етган бутун кекса инсонлар каби Каримов ҳам турли касалликларга йўлиққани бир ҳақиқатдир. Ўзбекча таъбир билан айтганда унинг “бир оёғи тўрда, бир оёғи гўрдадир...”

Муҳокама қилиниши керак бўлган асосий масала диктатор Каримовнинг оғир соғлиқ аҳволи эмас, унинг диктатурасининг унданда баттар “хаста” эканлиғидир. Каримов инфаркт бўлибди хабари аслида у асос қолган золимано режим туфайли Ўзбекистонда ва дунёда ахборот тўс тўполонига сабаб бўлди. Чунки Каримовнинг диктатураси унинг ўзи каби бир кунда дунёга алвидо демаслиги ўз ўзидан тушунарлидир. Шу ўриндан айтиш керакки, сохта мухолифатчиларни Ўзбекистондаги ваҳший режим ва унинг қурбонлари, диктатура жаллодларининг жиноятлари кўп ҳам қизиқтирмайди. Улар онда сонда мухолиф бўлиб кўриниш учун режимнинг жиноятларидан сўз очиб қўядилар.

Аммо Каримов инфаркт бўлмаган экан, деган хулосага келишлари билан бир овоздан УХХ ва унинг раҳбарини қоралаш сафарбарлигини бошлаб юбордилар. Ҳолбуки диктатор Каримовнинг соғломлигини исботлайдиган тиббий хулоса эълон қилинмади. Бундай хулоса у ёқда турсин, ҳукумат манбалари бу ҳақда чурқ этмадилар. Аҳвол шундай экан, бунинг устига диктатура ўз жиноятларини давом эттираётган экан, бу сохта мухолифлар нимани байрам қилмоқдалар?

ЎХХ нинг халқ ва давлат келажигини ўйлаб мамлакат раҳбарининг (унинг ноқонуний раҳбарлиги бошқа масала) соғлиғини кун тартибига келтириши муҳим иш эмасми? Бунинг устига Ўзбекистонда Конституциявий тузум ишдан чиқарилган, ҳукумат алмашувининг қонунийлиги ва узвийлиги таъминланмаган бўлса? Бундай пайтда халқни, ватанини, давлатини ўйлаган, бунинг устига мухолифман, деганлар масаланинг бу томонига эътибор қаратсалар бўлмайдими? Начора, савия шу даражада, инсонийлик ва масъулият тушунчаси, эркинлик ва адолат истаги шу даражада?! Истатистика, Каримов диктатурасига ҳақиқий мухолиф бўлган УХХ га тиш тирноғи билан қарши бўлганларни, бу орқали Ўзбекистондаги золим режимни қўллаб қувватлаётганларни инсонларимиз яхши таниб олсинлар.

Инсонлар билмаганда ҳам золимнинг ёнини олиб, унга қарсак чалаётганларни, эркинлик ва адолат тарафдорларига тош отаётганларни Аллоҳ таоло билиб, кўриб турибди...

ЎХХ келадиган бўлсак, ҳаракатимиз кучайишда давом этмоқда. Ҳамюртларимизнинг унга эътибори кун ўтган сайин ортмоқда, ўзимизнинг оммавий ахборот воситаларимизда бўлгани каби, ўзбек тилида ахборот тарқатадиган хорижий оммавий ахбо-

рот воситалари, Русия, Туркия, Ўрта Осиё давлатларидаги ахборот воситалари сўнги кунларда УХХ ва унинг лидери Муҳаммад Солиҳнинг фаолиятига катта эътибор қаратдилар.

ЎХХ нинг кучи унинг Каримов асос қолган қуллик ва зулм режимига қарши эркинлик ва адолат ширини байроқ қилиб олганлиғидир. Шунингдек, биз халқимизнинг миллий ва эътиқодий қадриятларини, бугунги илм ва техника тараққиётига асос бўлган инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, фуқаровий жамият шароитида сўз, фикр, эътиқод, сайлаш, сайланиш эркинликлари, иқтисодий ва ижтимоий адолат, маънавий ва маданий тараққиёт қондаларини ўзимизга байроқ қилиб олганмиз.

Яъни, ЎХХнинг дастурида ўзбек халқининг қадриятлари ўрин олгани каби, умуминсоний тараққиётнинг ижобий қадриятлари ҳам ўрин олгандир. Каримов диктатурасининг ва сохта мухолифларнинг УХХга бу қадар душманлик қилишининг асосий сабаби ҳам ҳаракатимиз раҳбарияти ва аъзоларининг миллий ва эътиқодий қадриятларимизга эга эканлиги, тўғрироғи бизнинг мусулмонлигимизни яширмаслигимиз, унга амал қилишимиздир.

Атеизм жонига ва қонига сингиб кетган диктатор Каримов ва унинг малайлари учун Ислом динига амал қилган ҳар қандай Ўзбекистон фуқароси “террорист, радикал” эканлиги маълум. Ҳолбуки эътиқодли кишилар ўзларининг тўғрилиги, маърифатпарварлиги, яхши ахлоқи билан жамиятнинг тараққиётига ижобий ҳисса қўшадилар.

Аммо ҳозирги золим тузум инсонларимизнинг бундай хусусиятларга эга бўлишини истамайди. Чунки бу ҳолда яхшилик ёмонликни енгиши, бу билан Каримов диктатурасига барҳам берилиши мумкин. Аммо ҳақиқат шундан иборатки, золимлар истамасалар ҳам адолат албатта тантаъна қилади...

Намоз Нормўмин

КАРИМОВ ИНФАРКТИНИНГ САБАБИ

Бугун Ислон Каримовни инфарктга гирифтор қилган омилни ўрганишга муваффақ бўлдик. Маълум бўлишича, 19 март куни, Наврўз тантаналаридан кейин, кечқурун Каримов ва унинг кизи Гулнора орасида жанжал чиққан. Жанжалнинг сабаби: Ўзбекистон махсус хизматлари президентга Гулноранинг шахвоний кечинмаларини фош қилувчи фото ва видео-маълумотларни етказган. «Бу иш Гулнорани қоралаш учун эмас, балки унинг номусини душманлар хужумидан ҳимоя қилиш мақсадида», дея изоҳ берилган.

Гап шундаки, бу фош қилувчи маълумотларни гўё кимлардир Россия матбуотида нашр қилишга тайёргарлик кўраётган бўлган, ўзбек махсус хизматлари эса бу шармандалиқнинг «олдини олмоқчи» бўлган.

Каримов кизини чақириб, унга бақира бошлайди ва шу билан навбатдаги жанжал бошланади. Аммо бу сафар эса 75 ёшлик чолнинг юраги дош бера олмайди. Ва инфарктга учрайди.

Ўзбекистон диктатори инфарктининг қисқача тарихи шу.

Булар ҳаммаси Каримовдан кейин

ҳокимиятни олиш учун интилаётган турли кланлар орасидаги курашнинг кучайиб бораётганини кўрсатмоқда.

Ҳозирда МХХнинг икки генерали – Ҳаёт Шарифхўжаев ва Шухрат Ғуломовлар бошқараётган икки гуруҳ орасида ҳаёт-момот жанги бораёпти.

Ҳаёт Шарифхўжаев Ўзбекистон Республикаси бош вазири, ўзини «беш минути кам президент» кўраётган Шавкат Мирзиёевнинг манфаатларини ҳимоя қилаёпти.

Ёш генерал Шухрат Ғуломов эса И.Каримовнинг кизи, Гулнора Каримова тарафдоридир.

Маълумки, сўнг икки ой мобайнида “Тугуша”нинг президент лавозимига кўтарилиш учун олиб борган сиёсий рекламаси бирор-бир ижобий натижага олиб келмади, балки аксинча, бу кампания Тугушанинг мамлакат ичкарисида ва ташқарисидаги душманларининг бирлашувига сабаб бўлди.

Шундан келиб чиқиб, Гулнорага тарафдор бўлмаганлар унинг жиноятлари ҳамда коррупция бўлган алоқаларини фош этиш кампаниясини бошлаб юборишди.

Унинг пўстагини қоккан нафақат ўзбек муҳолиф нашрлари, балки дунёда юксак рейтингга эга бўлган Ғарб матбуоти ҳам бўлди.

И.Каримов вақтни танлашда янглишди, унинг “пиар”чилари шошқалоқлик қилиб, бу кампанияни жуда эрта бошлаб юборишди.

Ўзбек ҳукмдори жамоатчиликдан бундай қаттиқ зарба келишини кутмаган эди.

Ҳар ҳолда, кеча ўзбек футболчиларининг Ливан терма жамоаси устидан ғалабаси билан табриклаш учун Каримов эмас, балки унинг кизи, яна ўша Гулнора чиқди. У стадионда ўзини «беш минути кам президент» эмас, худди “аллақачон президент”дек тутди.

Хуллас, ўртада янги бир вазият юзага келди.

Каримов инфаркт бўлгани учун эмас, балки Гулнорани жинидан бешбатар ёмон кўрадиган юқори лавозимли кўплаб мансабдорларни ҳам инфаркт этадиган бир шароит юзага келмоқда. Бу мансабдорлар ҳаммаси бир бўлиб, бир-бирига шивирлашмоқда: “Тугуша отасининг ўрнига ўтириб қолишдан бизни Худо асрасин!”

ЎХХ хабар маркази

ДЎППИНИ ОТИШГА ШОШИЛМАНГ

Хўп, диктатор Каримов Қозоғистон Ташқи ишлар вазирини қабул қилибди, лекин бу дегани «Диктатор соппа соғ!» дегани эмаску....

«Ана, ЎХХ яна ёлғон тарқатаёпти» деб дўппиларини (агар дўпписи бўлса) осмонга отаётганлар, Ислон Каримов — қудратли ва қўли узун шахс эканлигини ёддан чиқардиларми?

Ахир бу диктатор қабул қилаётган дори дармонлар, муолижалар оддий инсонларнинг хаёлига ҳам келмайдикуну?

Жахон медицинаси эришаётган энг илғор ютуқлар, бугунда дунёнинг қудратли шахслари учун хизмат қилмаптими?

Қолаверса, Ўзбек халқининг қонини ичаётган кучлар бугун Каримов ўлса, ўша захоти халққа буни ошкор қиладиларми? Йўқ. Улар оталарининг ўлигини токи қуртлаб кетгунча музхонада сақлайдиларми! Керак бўлса, Ислон Каримов ролини вақтинча ўйнаб туриш учун қиёфадошни топиш улар учун ҳеч гап эмас.

Ўзбекистонда бугун вазият шундайки, диктатор ўлиб қолган тақдирда ҳам унинг қизлари Твиттер орқали Сизинг «Хурматли Гулнараҳон! Отангиз эсон омон юрибдиларми?» деган саволингизга, бемалол тиржайиб «Канешна!» деб жавоб беришаверади...



Каримовнинг оёқда туриши бугун биргина Гулнора ва унинг командасига эмас, АҚШ ва Исроилга, Хитой ва Россияга ҳам керак!

Ха, яна бир гап: Қозоғистон Ташқи ишлар вазирлигининг расмий сайтида Каримов ва Идрисов ўртасида кечган учрашув ҳақида бир сатр ҳам ёзилмаган....

Расмий Тошкент ва Остона ҳар доим ҳам бир бири билан келишиб келган. Халқаро майдондаги обрўсидан ҳам воз кечиб, ўзбек қочқинларини пайдар пай Каримов исканжасига жўнатиб турган Назарбоев, бу сафар ҳам ўзбек хамкасбининг жонига оро қилганга ўхшайди...

Улуғбек Хайдаров

ИМОМ ҒАЗЗОЛИЙ ЖАМИЯТ ТЕПАДАН БУЗИЛА БОШЛАШИ ҲАҚИДА

Машҳур Ислон уламаси имом Ғаззолий ҳар қандай жамият пастдан тепага қараб эмас, аксинча, тепадан пастга қараб айний бошлашини оддий бир мисол билан тушунтириб берган: “Фараз қилинг – тоғнинг чўққисидаги булоқдан соф сув чиқиб, ҳар куни тепадан пастга қараб оқади ва тоғ этагидаги лойқа, балчиқ сувларни ҳам тозалайди. Ва аксинча, тоғнинг тепасидан лойқа сув чиқиб, ҳар куни тепадан пастга қараб окса, тоғ этагидаги тиниқ, тоза сувларни ҳам лойқалайди. Жамиятнинг бузилиши ҳам худди шу тарика рўй беради – мамлакатга одил ва покиза одам раҳбар бўлса, унинг ҳар кунги хайрли ва одил ишлари пастдагиларга ҳам ўрнак бўлади. Ва аксинча – элга нопок ва зolim одам раҳбар бўлса, унинг ҳар кунги ёмонлиги ва зулми пастдагиларга ҳам юқади”.

Ўрта асрларда айтилган бу гап нақадар тўғри эканлигига бугунги Ўзбекистондаги аҳвол яққол исботдир – Ислон Каримов президент бўлгач, унинг сўконғичлиги, муштумзўрлиги вазиру ҳокимлардан тортиб, оддий цех начальникларию колхоз табельчиларига ҳам “юкиб” бўлди. Бугунги Ўзбекистонда қўл остидагиларни онасидан сўкиб, калтакламайдиган раҳбар қолмаган ҳисоб. Агар шундай раҳбар бор бўлса, унинг устидан аҳмоқнинг устидан кулгандай қулишади. Чунки у тепадан оқаётган лойқадан “ўрнак” олмаяпти-да!

Саид Аскар

ҚАНДАЙ ҚИЛИБ Е.ИДРИСОВНИ И.КАРИМОВ БИЛАН УЧРАШУВГА КЎНДИРИШГАНИ ҲАҚДА



Шу йил 27 март куни эрталаб Ўзбекистон Ташки ишлар вазирлиги (ТИВ) раҳбарияти Тошкентга амалий сафар билан келган Қозоғистон ташки ишлар вазири Ерлан Идрисовни президент Ислам Каримов билан учрашишга қаттиқ кўндира бошлади, — дейди Ўзбекистон ТИВдаги манба.

“Қозоғистон Ташки ишлар вазири: “Бу учрашув Тошкент сафари дастурига аввалдан киритилган. Бундан ташқари, бу учрашувга бориш учун Назарбоевни оғохлантириб, унинг розилигини олиш керак”, — деб, Ўзбекистон тарафининг таклифини дипломатик тарзда рад этиб келди.

Аммо яқунда бизнинг Ўзбекистон тараф Остонадан келган меҳмонни президент Каримов билан учрашишга кўндиришда давом этди. Ва, ниҳоят, Ерлан Идрисов режалаштирилмаган бу учрашувга рози бўлди», — дея такидлади Ўзбекистон ТИВдаги манба.

Унинг айтишича, Каримов ва Идрисовнинг ўзаро учрашуви Ўзбекистон тарафига президент Каримов юрак хуружини бошдан ўтказганлиги ҳақидаги хабарларни билвосита инкор қилиш учун керак эди. “Каримов ҳақиқатдан ҳам юрак хуружига йўлиққанди. Президентнинг яқинлари ва қўриқлаш хизмати бу янгилик қаттиқ назорат қилинадиган ва ёпиб қўйилган диорадан чиқиб, тезда Ўзбекистон халқ Ҳаракати раҳбари Муҳаммад Солиҳга етиб боришини кутмагандилар. Шунинг учун Каримовнинг яқинлари ва қўриқлаш хизмати президентни тез суръатларда даволаш ишларини бошлаш билан биргаликда давлат раҳбарини маҳаллий телеканал-

лар орқали халққа кўрсатиш фрусатини ва имкониятини излай бошладилар. Ва Қозоғистон Ташки ишлар вазири Ерлан Идрисовнинг Тошкентга қилган сафари айнан шундай имконият ва фурсат бўлиб хизмат қилди”, — дейди ЎХХнинг Ўзбекистон ТИВдаги манбаси.

Унинг сўзларига кўра, Идрисов билан ўтказилган учрашувдан сўнг Ислам Каримов яна даволаниш жараёнига қайтган. “Ҳозирда президент республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Бош кардиохирурги, профессор Равшан Курбонов бошчилигидаги кадиологлар гуруҳи томонидан даволанмоқда. Шу сабабдан ҳам Ислам Каримов Тошкентга 28 март куни келган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти Бош котиби Дмитрий Мезенцев билан учрашмади. Шунингдек, Каримов 28 март куни очилган Сенатнинг ялпи мажлисида ҳам иштирок қилмади”, — деди Ўзбекистон ТИВдаги манба ЎХХга берган маълумотининг сўнггида.

ЎХХ хабар бўлими

М.СОЛИХ “ДОЖДЬ” ТЕЛЕКАНАЛИДА

Русиянинг tvrain.ru канали билан ўтказган суҳбатида ЎХХ лидери Муҳаммад Солиҳ шу кунларда долзарб мавзу бўлиб қолаётган Ўзбекистон диктатори Ислам Каримовнинг инфаркт касаллигига йўлиққани ҳақида ЎХХ тарқатган хабарларнинг тўғри эканлигини яна бир марта таъкидлади.

“Биз бу хабарларни Каримовга энг яқин доиралардан олганмиз ва унинг тўғри эканлигига ишонамиз”, деди у. Каримовни 19 мартдан кейин ўтган саккиз кунда яхши даволашга ўхшайди. Унинг Қозоғистон Ташки ишлари Вазири қабул қилгани ҳақидаги телевидение саҳналари эса сохталаштирилган бўлиши мумкин”.

Шу билан бирга, Ўзбекистон диктаторининг тахти учун курашнинг очиқ ҳолга келганини таъкидлаган ЎХХ лидери “биз Ўзбекистонга қайтамиз”, деди ишонч билан: “Ҳозир икки клан Каримов тахти учун курашмоқда ва уларни МХХнинг икки генерали қўллаб қувватламоқда. Аммо бу кланлардан бири ҳокимиятга келса, албатта ҳокимиятга келгани иккинчисини йўқ қилади. Шунинг учун ҳам улар биз билан мурося қилишга мажбурдилар”, деди Муҳаммад Солиҳ ушбу суҳбатнинг сўнггида.

Гулнора Каримованинг Ўзбекистон Бош Вазири ўринбосари Рустам Азимовга қарши очиқча ҳужумга ўтганлиги ҳам Ислам Каримов тахти учун кураш авж олганига ошқора далилдир.

Гулнора Каримованинг Ўзбекистон Бош Вазири ўринбосари Рустам Азимовга қарши очиқча ҳужумга ўтганлиги ҳам Ислам Каримов тахти учун кураш авж олганига ошқора далилдир.

ЎХХ Ахборот Маркази

ХАКЕРЛАР ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ҲАРАКАТИ САЙТИГА ЯНА ҲУЖУМ ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон президенти Ислам Каримовнинг инфаркт бўлиб қолгани ҳақида 22 март куни хабар тарқатган Ўзбекистон Халқ ҳаракати сайти номаълум хакерлар томонидан ишдан чиқарилди.

Қизиғи шундаки, бир кун аввал Mukhammad Salikh erksalikh@gmail.com электрон манзилидан “Фоҳишалар сиёсий аренадан йўқолсин” дея аталувчи мактуб тарқатилганди.

Мактуб қўпол тарзда тўқилган ҳамда ЎХХ лидери Муҳаммад Солиҳни обрўсизлантиришга ҳамда у билан мустақил журналистларнинг орасини бузишга қаратилган эди.

Муҳаммад Солиҳ “Фарғона” агентлиги билан суҳбатда бу мактубга ҳеч қандай алоқаси йўқлигини билдирди.

“Албатта бу провокация. Бу нарса биз учун янгилик эмас, маҳсус хизматлар мудраб ўтиргани йўқ”, — деди ЎХХ лидери.

Ўзбекистон Халқ ҳаракати “13 май иттифоқи” платформасида яратилган, қатор сиёсий ва ижтимоий таашкилотларни ҳамда фуқароларни ўз таркибига олади.



Аваллига ЎХХ муассислари Ўзбекистондаги ўзини қайта ислоҳ қилиш имкониятини йўқотган сиёсий режим фақат тинч йўл билан алмаштирилиши лозим, деб билдиргандилар.

Аммо кейинроқ, ҳаракат лидери Муҳаммад Солиҳ режимга қарши куч ишлатиш имкониятини истисно этмаслик керак, дея фикр билдира бошлади.

Эслатиб ўтамиз, 1991 йил президентлик сайловларида Муҳаммад Солиҳ Ислам Каримовнинг ягона рақиби бўлган.

1993 йилда унга қарши ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан жиноий иш сохталаштирила бошланганидан сўнг у мамлакатни тарк этишга мажбур бўлди.

uzbek.fergananews.com

ЎХХНИНГ ВЕБСАҲИФАСИГА ҲУЖУМ ҚИЛИНДИ

Мухолифатдаги Ўзбекистон Халқ Ҳаракатининг веб саҳифаси хакерлар хужумига учраган.

Хакерлик хужуми Ҳаракат Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг юрак хуружини бошдан кечиргани ҳақида хабар тарқатишидан роппа-роса бир ҳафта ўтиб юз берган.

Ўтган йили ҳам мухолифат сайти хакерлар хужумига учраганди.

«Аслида биз бундай хужумларни кутаётгандик. Ҳар доим сайтимизда сенсацион, фош килувчи материал чиқиши

билан, Ўзбекистон тарафидан дея тахмин қилинади доим, мана шу турдаги жавоблар бўлиб келди. Бирон бир сиёсий жавоб эмас ёки очик тарздаги баёнот, тушунтириш эмас, мана шундай шаклдаги жавоблар бўлиб келган», дейди ҳаракат сўзчиси Камолиддин Йўлдош.

Ўзбекистон Халқ Ҳаракати фаоллари ҳаракат вебсаҳифаси хужумдан зиён кўрмаганини айтишади.

«Бу хакед деган расм бош саҳифада очилади. Аммо, ичкаридаги мақолаларни улар синдира олмаган. Сайтимиз уч тилда ёритилади. Русча, туркча саҳифамизга

ҳеч қандай мудохала қилишолмаган», дея қўшимча қилади Камолиддин Йўлдош.

ЎХХ ўз сайтига уюштирилган хакер хужуми ортида Ўзбекистон Миллий Хавфсизлик турганини даъво қилади.

«Чунки, кимга керак бу сафарбарлик ва ким бундан манфаатдор бўлиши мумкин ва энг муҳими, бу ердаги маълумотларнинг айланмаслиги кимга зарур бўлиб қолди? Айнан Ўзбекистон президентининг юрак хуружига дахлдор маълумотлар чиққанидан кейин нима учун саросима бошланди, бу энди тушунарли бўлса керак», дейди Ўзбекистон Халқ Ҳаракати воизи.

bbc.co.uk/uzbek

ТОШКЕНТДАН МАКТУБ: «БИРЛАШГАН ЎЗАР»

Биз мухолифатчилар, мухолиф партиялар деганда нимани тушунамиз? Албатта, кўпчилик мухолифатчилар деганда, маълум бир диктатура режимига, демократияга, диний (исломий, христиан, буддизм), коммунизм режимларига қарши бўлган бошқа бир томон вакиллари тушунадилар. Ушбу мухолифатчиларни қўллайдиган, идеологияларини имкон даражасида оммага татбиқ эта оладиган, яъни издошлари бўлади ва булар купайгани сайин катта бир кучга айланиш даражасигача боради.

Мухолифатни асосан ким қўллади? Агар унинг мақсадларини тўғри, қонуний ва адолатли деб билса мухолифатни асосий қўлловчи куч — бу ҳалқир, оддий ҳалқ!

Мен бежизга гапни узоқдан бошлаганим йўқ. Балки кимларгадир бу ғалати туюлар, балки кўпчилик буни янгилик эмас деб атар. Тўғри, бу бўлмаса, айнан мана шу «эскиликни» ҳалқимиз унутган кўринади. Биз мухолифатни кўпинча қўллаб-қувватлаш ўрнига, улардан кўп нарсаларни талаб қиламиз. Бир неча юз минг кишини диктатура қўлига айлантириб, ҳалқни бу золимлардан қутқаришни бор-йўғи бир неча юз кишидангина иборат мухолифат аъзоларидан талаб қиламиз. Бажариш мушкул бўлган ишни қилолмаган инсонлардан ҳафа булиб, тагин ҳақоратга ҳам ўтиб олишлар кузатилади. Урушамиз ва охирида жиққамушт даражасигача олиб бориладиган ҳолатга ҳам етказиб ҳам кўямиз.

Ўзбекистонда диктатура режими ҳукмронлигини сал кам бутун дунё биллади. Инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари, ҳалқаро ташкилотлар, журналистлар, мухолифатчилар бу ҳақда гапириб чарчамаяпти. Лекин нима учун жаҳон ҳамжамияти бу масалага етарлик даражада эътибор қаратмайдими?

Чунки ҳалқ жим! Ўзбек ҳалқи жим ва мудом сукутдамиз! Ўзбекистон ичкарида кийноқлар остида қирилиб кетаётган ёш йигитларимиз, фоҳишагаларга айланиб бораётган қизларимиз ва барча азоб чекаётган мазлумларимизнинг яқинлари сукутда. Бизга ҳеч ким ёрдам бермаяпти, чунки Америка ва Европага ҳарбий база керак, яна кимгадир нимадир керак деган баҳоналар билан ўзимизни овутиб қуя қоламиз. Ваҳоланки, ўзимизнинг доимий сукут-

далигимиз бизнинг азобимизнинг асосий сабабчиси эканлигини билмаймиз, балки билсак ҳам тан олгимиз йўқ.

Кўпгина мусулмонлар АҚШ ва Европа мусулмонларни, Ислонни қўлламайди дейишади. Балки гаплари туғридир!

Лекин чуқурроқ уйлаб мулоҳаза қиладиган бўлсак, «Араб баҳори» революцияларини қўллаб қувватлаган асосий ташқи кучлар бу - АҚШ ва Европа бўлдику.

Ҳаётимиз давомида бир неча давлатларда турлича йўллар билан диктатура тузумини ағдаришга муваффақ бўлган бошқа ҳалқ вакиллари кўрдик ва кўрмоқдамиз. Ҳозирги кунда кўпгина араб мамлакатларида диктатура тузумларига қарши кураш олиб борилмоқда. Ўзбекистонда бундай инқилоб бўладими ёки йўқ деб уйлаб юраверсак, кейинги 20 йилда ҳам бу тузумдан қутула олмаймиз. Бунинг учун ҳаракат қилмоқ керак!

Фақат мухолифатчи, инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси эмас, бутун ўзбек ҳалқи ҳаракат қилмоғи лозим. Бу дегани, эртага қўлингизга қурол кўтариб чиқиб, бир бирингизни ўлдириш дегани эмас. Ҳозирги Ўзбекистон шароитида курашиш мумкин булган йўларни излаб топиб, амалга оширмоқ керак.

Европада барча ҳукумат идоралари «қоғозбозликни» хуш кўришади. Америкада ҳам ҳудди шундай. Агар бизнинг мушқулмиш шу қоғозлар билан озгина бўлсада осонлашса нима учун фойдаланмаслигимиз керак? БМТ, ЕИ, АҚШ Конгресси, Европарламентларни тўлдириб ташлайлик ўшанақа қоғозлар билан.

Юз минглаб бегуноҳ инсонлар қамоқда, азобда яшамоқдалар. Наҳотки шуларнинг яқинлари бир парча қоғоз ва қалам олиб, дардини ёзиб, шу ташкилотларга жуната олмаса? Фойдаси йўқ, бир нечтаси ёзди, ҳеч нарса ўзгармади — дейишингиз мумкин. Лекин ўша бир нечтани қўллаб бир неча минг ҳатлар, мурожаатномалар, аризалар ёзилсачи? Кўнига Ўзбекистондан ўнлаб мактубларни пошта, факс, электрон почталар орқалик олсалар бизда ҳам ҳалқни ўйлайдиган реал кучлар пайдо бўлади. Мен бунга ишонманам.

Россияда биргина Магнитскийни ўлими орқасидан АҚШда бир неча



минг имзо, яъни айтганимдек қоғозлар тўпланилиб, бутун бошли Магнитский актини қабул қилдилар.

Бизда неча минг одам улиб кетаяптику ахир!

Кўчага чиқиб ҳаққимизни талаб қилолмасак, бу дегани ҳеч нарса қила олмаймиз дегани ҳам эмас. Собик Югославияда мусулмонларни Милошевич ҳукумати қиришни бошлаганида нима учун АҚШ ва Европа мусулмонлар тарафида бўлди.

Чунки оддий ҳалқ кўнига БМТга, ЕИ, АҚШ ва бутун мавжуд булган ташкилотларга минглаб ҳатлар жўнатганди. БМТнинг ваколатхоналарию, асосий қароргоҳи бундай мурожаатларга тўлиб кетди. Мана шундан кейингина озодлик учун, ҳақиқат учун кураш бошланди.

Бизчи, аҳволимиз оғир, диктатура ҳукмрон, бегуноҳлар қийноқлардан ўлмоқда деймиз, аммо фактларни келтириб беролмаяпмиз. Фактлар берилмоқда, бироқ етарли даражада эмас. Бунинг учун ҳалқимиз ҳам ҳаракат қилмоғи, қайси усулда курашиш имкони бўлса шу усуллардан фойдаланмоғи керакдир.

Мен фақатгина биргина усулни айтиб ўтдим, лекин амалга ошира оладиган жуда куп имкониятларимиз ҳали ҳам бор. Фақатгина кўрқмасдан, ўзимизга, Ватанимиз келажагига ишониб биргаликда ҳаракат қилишимиз зарур.

Бирлашган ўзади дейдилар азалдан. Шундай экан, бир оиланинг бошига оғир кун тушдим, уни ҳамма бир бўлиб ҳимоя қила бошласа диктатор ҳукумати ҳеч иш қила олмай қолади.

Лобар Оллоберди қизи

ХОРАЗМДАГИ АУКЦИОН ХИЗМАТИДАН КИМ МАНФААТДОР?

Хоразмлик кўплаб фуқаролар, турли мутасадди ташкилотларга ариза билан мурожаат қилиб, берилган аризаларига ижобий жавоб ололмаганлари, ҳеч бир ижобий натижага эришолмаганлари учун куп ҳолларда жамоат ташкилотларига, хусусан, «Нажот» инсон ҳуқуқлари ташкилотига мурожаат қилишмоқда. Қуйида уларнинг бир нечасини мисол тариқасида келтириб ўтамиз:

«Нажот» инсон ҳуқуқларини химоя қилиш ташкилотига Хоразм вилояти Хазорасп тумани Б. Матризаев маҳалласи «Пичоқчи» қишлоғидан Анагул Сапарбаевна Қурязова (тел:+998914314936) шундай ёзади: Биз бир хўжаликда тўрта оила бўлиб яшаймиз. Хўжалигимизда жами 18 нафаримиз. Эримдан ажрашиб, 2 нафар фарзандимни катта қилаётирман, инсонларча яшаш шароити бўлмаган аҳволда кун кечриб келаяпмиз. Мазкур хонадонда болаларнинг улғайиб, катта бўлиб бораёпти, аммо катталарнинг мустақил инсонларча ҳаёт кечиришлари учун шароит ўта оғир аҳволда.

Мен шароитимни яхшилаш мақсадида хўжалик ахволини баён қилиб, кўпчиликини ташкил қилган фуқароларнинг ахволини иноботга олишар, деган мақсадда Хазорасп тумани ҳокимлигига иморат қуриш учун ер ўрни ажратишни сўраб мурожаат қилган эдим. Аммо илтимоснома ариза жавобсиз ва мақсадим амалга ошмай қолмоқда.

Ҳокимлик тақлиф қилаётган «аукцион»да қатнашиш бизда катта муаммога айланган. Мен каби бечораҳол фуқаролар ҳеч нарсага эриша олмай, бошни турли тошларга урмақдалар. Аммо амалдор, пулдор шахслар негадир экин майдонлари ва бошқа шароити яхши майдонлардан иморат қуришга жой ўрни олишмоқда, яна уларни ўзгаларга катта пул эвазига қайта сотишмоқда».

Шуниси қизиқки, Хива ва Хазорасп туманларида иморат қуриш учун ер майдони сотилиши бўйича ким ошди савдоси ўтказилиши тўғрисидаги эълонларни Хоразмдаги бирорта ҳам оммавий ахборот воситасида кўрмайсиз. Аммо шу туманларда яшовчи амалдор ва бой-бадавлат шахслар ҳар бири ўнлаб ер участкаларини кўзга кўринмас аукционларда сотиб олиб, аҳолига қайтадан қиммат баҳода сотиб фойда кўрмоқдалар. Лекин уларнинг бу хатти-ҳаракатларидан давлат хазинасига ҳеч қандай даромад келиб тушмаяпти.

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг қонуний меъёрларга мос шароитда яшаши бўйича бир неча қонуний ҳужжатлар мавжуд. Жумладан:

Фуқаролар Ўзбекистон Республикаси бош вазири томонидан 2007 йилнинг 24 августидан тасдиқланган республика аҳолисига, шу жумладан, ёш оилаларга кўп хонали турар жой бинолари қуришни ташкиллаштириш ҳақидаги қарори ва республикада 30 ёшдан ўтмаган, биринчи никоҳдаги ёш оилаларга, ҳар бирига 16 квадрат метрдан кам яшаш жойи тўғри келса, Ипотека банки кредит ажратиши мумкинлиги ҳақида Вазирлар маҳкамасининг қарори бор. Имтиёзли Ипотека кредити олиш ҳуқуқлари ҳам кўрсатилган. Лекин оддий халқ бу имтиёзлардан, ҳуқуқлардан керакли даражада фойдалана олмапти.

Хазорасп тумани Ғ.Ғулом кўчаси 7-уйда яшовчи Мехрибон Абдуллаева (тел:+998912794895) қуйидагиларни ёзади: Мен, Абдуллаева Мехрибон, 2 нафар фарзандим билан эрим Шокир Давлетовнинг устахонасида ҳеч қандай шароит бўлмаган аҳволда кун кечираяпман. Отам дунёдан ўтган, онам ногирон, нафақўхўр онамга тегишли хонадонда 3 оила бирга яшайди, шунинг учун уларнинг ҳам, бошқа қаридошларимнинг ҳам ёнида яшаш имкониятим йўқ.

Кўриниб трибдикики, Мехрибон ҳам Анагул каби танг аҳволда. У ҳам иморат қуриш учун ер майдони ажратиладиган аукционда қатнашишга уриниб, ҳокимликка бир неча аризалар ёзган. Лекин унинг аризалари эътиборсиз қолмоқда.

Бу аризалар «Нажотга» берилган шикоятларнинг юздан бири. Фуқаролар ташкилотимизга уй-жой, ижтимоий-иқтисодий масалалардаги сансолорликлар ҳақида жуда кўп мурожаат қилишмоқда. Конституцияда, қонунларда, Республика вазирилар маҳкамаси қарорларида ҳар бир оила, ҳар бир шахс уй жой олиш ҳуқуқига эгаллиги таъкидланса-да, купчилик ҳолларда бунга амал қилинмайди.

Тўғрироғи, бу қонунлар аризаларда ҳам айтилганидай, амалдорлар ва уларнинг ҳамтовоқларигагина хизмат қилади. Оддий халқ ўз мақсадига эришолмай, хамиша сарсон саргардонликда кун кечиради. Бундан ҳам қизиғи, худди шўро давридаги каби, туман ёки вилоят амалдорларидан шикоят қилиб ёзилган аризалар, марказдан худди ўша амалдорларнинг ўзларига юборилади. Натижада сансолорлик бир неча марта ошади: муаммо ечилмасдан, отангта бор онанга бор, қабилида иш кўрилади. «Нажот» вилоят ҳокимлиги ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларидан қонунлар ижросини жойига қўйишни, ҳуқуқни поймол қилинаётган инсонларнинг ҳуқуқларини химоя қилишни талаб қилади.

Хайитбой ЯҚУБОВ

«ҚАШҚИРЛАР ВОДИЙСИ»НИНГ ХАБАРИ ТЎҒРИ БЎЛИБ ЧИҚДИ !



«Қашқирлар водийси пистирма» телесериалида Туркияда яшаган ўзбек муҳолифларининг Ўзбекистонга бериб юборилиши эпизоди ҳаққий ҳаётда

Ўзбекистон Халқ Ҳаракати (ЎХХ) Раиси муовини Доктор Намоз Нормўмин ўтган ҳафта «Қашқирлар водийси пистирма» телесериалида Туркияда яшаган Ўзбекистонли муҳолифларнинг Ўзбекистонга бериб юборилиши воқеасининг ҳақиқатан бўлганини айтди.

«Қашқирлар водийси пистирма»нинг 18-бўлимида Консей Раиси Санжар Ўзбекистондан келган мутасадди билан учрашиб, баъзи шартлар қаршилигида Туркияда яшаётган муҳолифларни бериб юборади.

Ўзбекистон Халқ Ҳаракати (ЎХХ) Раиси муовини Доктор Намоз Нормўмин Туркияда яшаган муҳолифларнинг ўтмишда Ўзбекистонга бериб юборилгани тўғри эканини айтди. Доктор Нормўмин «1999 йилги Тошкент воқеаларидан кейин Туркия ҳуқуқати икки ўзбек муҳолифни Ислон Каримов режими режим томонидан қатл этилди. Рустам Маматқулов исмли бошқа муҳолиф эса 20 йил қамоқ жазоси олган эди. Аммо ҳозир бу киши ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. Улими — тирими, билмаймиз, » деди.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ҲАРАКАТИ

ЎХХ — Ислон Каримов диктаторлигига қарши курашаётган муҳолиф сиёсий ҳаракатдир. Ўзбек халқининг таниқли сиёсатчиси ва мутафаккири шоир Муҳаммад Солиҳ бошқараётган иЎХХ, 2011 йилида муҳолифларнинг бирлашуви натижасида ўртага чиқди ва қунимизда Ўзбекистоннинг келажакини шакллантира оладиган сиёсий кучга айланди.

habervaktim.com



ХУРЛИК БИЗДАН МЕРОС БЎЛИБ ҚОЛСИН!

Собиқ Совет давлатининг синиши ордидан унинг ҳудудларида энг кўп гапириладиган мавзу – бу демократия бўлиб қолди. Кўпчилик яхши хотирлайди Горбачев даври демократиясини. Масалан, Михаил Горбачев СССР Олий Совети минбаридан ошқоролди ҳақида гапириб, фуқароларга эркинлик берилганлигини айтганида на депутатлар ва на халқ нима дейишни ҳам билмай қолганди. Совет халқлари ҳаттоки Сталин даврида ҳам эркин эди ахир(?). Албатта расман. Худди шундай Брежнев даврида ҳам. Аммо бу Горбачев келтирган эркинлик ер юзидаги энг катта мамлакатни парчалаб ташлади ва унинг ўрнида кам деганда 25 та мустақил мамлакатлар пайдо бўлди.

Бундан халқ нима ютди? Ҳеч нарса! Эътибор қаратадиган бўлсак, мустақилликга эришган бу мамлакатларнинг ҳар бирида турли даражадаги ечиб бўлмас муаммолар бор. Қай бирида шунчаки иқтисодий, бошқасида эса сиёсий. Ва қай бирларида ҳам иқтисодий ва ҳам сиёсий. Совет давлатининг парчаланиши ордидан энг оғир қисмат Ўзбекистон халқи бошига тушди. Бунда диктатор Каримов ҳукмронлиги ўрнатилинди ва мамлакат катта бир қамоқхонага айланди.

Ҳозирда Ўзбекистон турмаларида ўтирганларни озод этиш талаблари ҳам илгари сурилади гоҳида, лекин Ўзбекистоннинг озод фуқароси ҳам Европанинг ити даражасида бўлсин — ҳуқуқларга эга эмаслигини ҳамма ҳам биллавермас керак. Демак, кишининг турмадан озод бўлиши – бу мутлоқ озод бўлиш дегани ҳам эмас экан.

Оддий қарол даражасидаги фуқаролар демократияни юқоридан келишини исташади. Ҳукуматдан(?). Қизиқ, қайси бир ҳукумат борки, ўз халқи озод бўлишини истаса? Бундай мамлакат ер юзида йўқ десак ҳам бўлади! Ҳар бир ҳукмдор мамлакат фуқароларини бошқаришни, уларнинг тақдирини ўзи ҳал қилишни истади.

Фақат демократик ўзгаришлар қуйидан бошланганидагина, улар-

нинг бошқа имкони қолмайди. Халқ шуни истаса ва халқ айна мақсадда бошини бириктира олсагина мамлакат раҳбариятида ҳам ўзгариш содир бўла бошлайди. Аммо бизнинг “мустақил” ватанимизда халқ оммаси ҳукуматдан қўриқиб яшашга одатланган ва ҳукумат олдида улар ўзларининг ҳақ талабларини қўйишга ҳам қодир эмаслар!

1990 – 91 йилларда Ўзбекистонда ҳукумат аввалига ўзбек тилига давлат тили мақомини беришни, кейинчалик мустақилликни ёқлаб чиқганини эсга олайлик. Ислом Каримов ўзбек тилида мутлоқ гапира олмасди, у бу тилни ўрганди ва мустақиллик тарафдори бўлишга ҳам мажбур бўлди. Албатта ГКЧП тўнтарилигининг кейингина у мустақиллик қўшиғини қўйлай бошлаганди. Ҳокимиятни ўз қўлига олган И.Каримов биринчи навбатда сиёсий муҳолифатни йўқ қилишга киришди. Мустақил Ўзбекистоннинг мустақил президенти учун сиёсий муҳолифат вакиллари сиёсий экстремистлар “бўлди” ва мамлакатда биринчи бўлиб қатағонга учраганлар муҳолиф қарашдаги сиёсатчилар эди. Кимлар қамоққа ташланди, кимлардир тарки ватан қилди.

Нега энди ўзбек ўзининг Ўзбекистонда яшамасин? Чунки унда яшаш имкони ҳам қолмади. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, ватанимизда эркин яшаш имконига саноклик одамларгина эга. Ҳозирда Ўзбекистон МХХ си ва милициясида ишлаб, режимга бел боғлаб хизмат қилаётганлар ҳам аслида режимга шу кунларда керак холос. Кези келганда улар ҳам турмаларга ташланади, қатағон қилинади, ёки хорижга чиқариб юборилади.

Оддий одамлар орасида ҳам ғарбга ишқибозлик жуда баланд, худди бу ерда пишириб қўйганиларидек, улар ғарбга томон интилишади. Бу ерда озодлик, бу ерда инсон ўзини инсондек ҳис қила олади ва мана шунинг учун ҳам кўпчилик Европани орзу қилади. Мухофлифат сафига кирётганлар орасида “агар муҳолиф бўлсам чет элга чиқиб кета оламанми?” — деб савол қўяётганлар учраб турибди. Гўёки ҳукуматга муҳолиф бўлмоқлик – муҳожирликка кетишнинг сарт нуқтаси!

Қизиқ, нега биз хорижни орзу қиламиз, аммо ўз ватанимизда озодлик, хурлик бўлиши учун кураша олмаймиз? Нега биз бу даражада лоқайд ва қўрқоқмиз? Нега бизнинг ҳаққимизни Америкадан туриб кимдир олиб бериши керак, ўзимиз олол-

маймиз, ҳаттоки ҳаққимни бер дея талаб ҳам қила олмаймиз?

Демократия эса азизлар — пастдан бошланади! Агар бизга демократия керак бўлса, демак пора кўтариб чопмаслигимиз лозим ва қонунларни ҳурмат қилиш, бошқалардан ҳам қонунларга амал қилишни талаб этиш зарур. Албатта Ўзбекистонда мавжуд бўлган биллакс қонунлар Ўзбекистон Конституциясига, Ўзбекистон ратификация қилган халқаро қонунларга ҳам зид келади, бироқ уларни бартираф этиш талабини эса айнан мана шу халқнинг ўзи кўтариши шарт!

Совет даврини ёд олайлик. Унинг қонунларига кўра, Совет Иттифоқида матбуот эркин эканлиги кўрсатилинганди, лекин фақат Компартиянинг мақсад ва режаларига зид бўлмасгина эркин эди у. Айнан мана шу кўринишдаги матбуот эркинлигини том маънодаги эркинлик дея аташ мумкин эмас. Бугунги мустақил Ўзбекистоннинг Конституцияси Оммавий Ахборот Воситаларининг эркинлигини таъминласада, сўз ва матбуот эркини кафолатловчи бешта қонун мавжуд бўлсада, бироқ матбуотимиз эркин эмас. Негадир журналистларимиз ўз эрклари учун бирор саъй-ҳаракат ҳам қилишмайди. Фақат буюртма асосида қандайдир танқидий материаллар ёритишлари мумкин, аммо объективлик ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас!

Совет даврида бутун мамлакат интелегенцияси, ишчи ва деҳқонлари Коммунизм қуриш фронтига сафарбар этилган бўлса, бугунги мустақил Ўзбекистонимизда ҳамма нарса ва ҳар бир одам биргина каримовлар оиласининг манфаати учун сафарбар этилган. Бу даъволарни келтриш билан биз янгитдан Американи кашф қилаётганимиз йўқ, буни ҳамма биллади. Ҳаққимизни ичкарисидагилар ҳам, ҳаттоки ҳукумат аппаратида ўтирган текинхўрлар ҳам – ҳамма, ҳаммаси билади, лекин ҳамма баробар лунжига сув тўлдириб олганлиги ҳам кузатилинади. Бу аҳволда диктатурадан озод бўлиш имконлари нолга тенг! Бизга кимдир ғарбдан келиб озодликни ҳадя этмайди, бунинг учун ўзимиз курашимиз керак ва шу мақсадда диктатордан қўрқмаслик лозим. Аслида аксинча, унинг ўзи биздан қўрқди!

Диктаторимиз ҳам анойи эмас. АҚШ ва Европанинг бир неча мамлакатларининг ҳукуматлари унинг хизматида ҳозир нозир. Ўзбекистоннинг ноқонуний президентини ғарбнинг мана шу ҳимояси ҳар балою қазолардан ҳам асраб келмоқда. Юртбошимиз эса Ўзбекистонда диний радикалларнинг, террорчиларнинг хавфи мавжуд дея, унга қарши “кураш” олиб боради ва ўз халқини оёқ ости қилиб ғарбнинг марҳаматига сазовор бўлиб келаяпти. Ҳарбнинг кўзи кўр, улар билмайди деб ўйласангиз қаттиқ янгилишасиз!

(Давоми кейинги саҳифада)

ХУРЛИК БИЗДАН МЕРОС БЎЛИБ ҚОЛСИН!

(Давоми: Боши олинди саҳифада)
Улар ҳаммасини билишади, билиб ўзларини гўлликка солишади. Биз учун эса икки йўл бор: бири қул бўлиб қолиш, иккинчиси ўз ҳурлигимиз учун курашмоқлик? Афсуски бизда аксар кўпчилик қул бўлмоқлик йўлини танлайди.

Кўп ҳолларда кузатганимиз, демократик эркинликлар ҳақида гап кетганда диндор фуқаролар қаршилиқ кўрсатишади. Нима эмиш, демократия бўлса ўзбеклар ҳам бир жинслик никоҳларга киришиб кетишади(?). Бундай хавф Ўзбекистонда йўқ, буни ҳамма билади, лекин лоқайдликни хаспўшлаш учун қандайдир бир баҳона керак-ку! Ўзбекларнинг миллий минталитети бу каби қонунларнинг қабул қилинишига ҳам йўл бермайди, бордию шундай қонун бўлганида ҳам у бизда ишламайди. Ҳозир ҳам матбуот эркини таъминлайдиган бешта қонун бўлсада, улар ишламаяпти-ку, худди шунга ўхшаб бир жинслик никоҳлар ҳақидаги қонун ҳам бизнинг Ватанда ишламайди! Чунки унинг ишлаши учун зарур бўлган талабнинг ўзи йўқ, аммо демократия душманлари учун қандай бўлсада, бирор баҳона зарурдек.

Қизиқ, аини мана шу диндор фуқароларимиз ва ҳаттоки уламо-ларимиз бир жинслик никоҳларга рухсат берилган Европа мамлакатларида яшашга жон-жон деб рози бўлишади, аммо негадир Ўзбекистонда эркинлик бўлишини ҳам ишташмайди. Антика пародак! Шундай эмасми?

Қани, айтингчи, ғарбдаги қайси ўзбек бошқа биров билан бир жинслик никоҳдан ўтди? Бунақаси йўқ ва бунинг учун яратганга шукроналар қиламиз! Ғарбда демократия бор деганимизда ҳам, бундаги баъзи нохушликлар кишининг таъбини хира қилади албатта. Айна мана шу бир жинслик никоҳларнинг ўз мамлакатларида жорий этилишини иштамайдиганлар кўпчилик, лекин бу каби инсон маънавиятига зид қонунлар барибир қабул қилинмоқда.

2013 йилнинг 25 март кунинда Франция пойтахти Париж кўчаларини бир жинслик никоҳга норозилар тўлқини тутиб кетди. Бу мамлакат парламентида аини мавзудаги қонун қабул қилиниши арафасида турибди. “Евроноюз” ахборот агентлиги Париж кўчаларидан олиб берган репортажида полиция кучлари норозиларни кўздан ёш оқизувчи газлар билан ҳайдаганлигини намойиш этди. Кўриб турганимиздек, демократик қадриятлар ҳурмат қилинадиган Францияда ҳукумат мамлакат аҳолисининг

кўпчилиги талабини қондирмади (ru.euronews.com).

Совет даврини эслайлик. Совет юртида кўпчиликнинг талаби қондирилди. Бу кўпчилик озчилик устидан ўз ҳукмини ўрнатишининг белгиси эди. Диктатура ва тоталитар режимларда кўпчиликнинг ҳуқуқини озчиликдан, яъни ҳукуматда уя қуриб олганлардан ҳимоя қилиш лозим бўлса, демократияда аксинча, озчиликнинг ҳуқуқи кўпчиликдан ҳимоя қилинади. Шунинг учун ҳам бир жинслик никоҳлар ҳақида қонунлар қабул қилиб борилмоқда.

Кейин бу каби нотабиий никоҳлар сабаб, ер юзида аҳоли ўсишининг камайишига ҳам эришиш мумкин бўларди. Бироқ бу каби никоҳ мусулмонларга ёкмаяпти (нега энди ёқсин?). Ким билсин, ғарб дунёси мусулмонларга қарши компания бошлаши сабабларидан бири ҳам шу бўлса-чи? Аммо ишонч билан шуни таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистонда қандай ҳукумат бўлишидан қатъий назар, бир жинслик никоҳлар ҳеч қачон бўлмайди!

Камина тез – тез ўзбекларимиз қалбини қамраб олган ижтимоий бир кўркув оммавий тус олгани ҳақида ёзиб қоламан. Ҳалигача биров “биз кўрқоқлар эмасмиз” деб овозини кутаргани ҳам йўқ. Шундан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, бизнинг бу сўзларимиз зоҳиран бўлмасада, ботинан тан олинаёпти!

Демократияни иштамайдиганларга аслида демократик дунёда яшаш ҳуқуқини бермаслик керак эди. Улар Хитойда, Шимолий Корея ёки Саудия Арабистони каби инсон ҳақлари топталадиган юртларда яшасинлар. Қолаверса, ўзимизнинг Ўзбекистон ҳам диктатура тарафдорлари учун “жаннатдек” диёр ахир!

2015 йилда Ўзбекистонда президент сайловлари ўтказилинса, унда Гулнора Каримова ҳокимиятга келади ва шу билан Ўзбекистондаги диктатуранинг умри кам деганда яна 50 йилга чўзилади. Шу режим бизга керакми ўзи? Албатта йўқ, фақат уни кимдир ағдариб берсин, кейин биз мазза қилиб яшаймиз! Мана бу биз ишонган ва умид қилаётган “ақида”.

Ўзбекистон Халқ Ҳаракати (ЎХХ) ўз фаолиятини бошлаган биринчи кунларданоқ уни “террорчи экстремистлар” деб чўқинтирган “сиёсатдонларимиз” ҳам бўлди. Бармоқ билан санарлик аъзоларга эга “Бирлик” партияси, “Бирдамлик” халқ ҳаракати, яна Америкадаги

Демократик конгресс, шунингдек турлик сайтлар.... Ҳаммаси, жумладан Ўзбекистондаги Каримов диктатураси ҳам УХХ “диний радикаллар”, “экстремистлар”, “террорчилар” деб оғиз кўпиртиришга ўтишди. Аммо бу даъволарни келтириш учун уларда бирор асоснинг ўзи йўқ. Умуман олганда, 2001 йилнинг 11 сентябрида АҚШда содир бўлган террористик ҳужумни УХХ чилар амалга оширишганди деб ёза қолсалар ҳам бўларди. Негадир шуни қилишмаяпти. Ваҳоланки, УХХ Ватанга эркинлик шамолини олиб киришни истаяпти, шундай бўлсада бу эркинликни иштайдиган тарафдорлар сони ниҳоятда оз! Йўқ, нотўғи бўлди бу гап. Оз эмас, фақат мана шу озодлик учун курашадиганлар ниҳоятда оз!

Ўзини “Замондош” халқаро фонди деб атайдиган бир гуруҳ ёлғончилар УХХ Ўзбекистон Миллий Хавфсизлик Хизматининг (МХХ) махсус лойиҳаси эканлигини илгари суришади. Ола! Балки Муҳаммад Солиҳ МХХ нинг жосусидир?

Бу келтирилаётган даъволарнинг ҳаммаси шундоқ ҳам оммавий кўркув остида бўлган халқни янада кўрқитиш учунгина холос. Буни УХХ аъзолари яхши билишади, лекин Ўзбекистонда ҳамма ҳам билавермаса керак. Кимлардир диктаторларнинг режимини сақлаб қолиш учун курашга чиқар экан, улар ўзлари мансуб бўлган халқнинг кўркув исканжасида яшашига ҳам кўмакчи бўладилар. Буни эса халққа қарши жиноят деб атасак ҳам бўларди, бироқ бирор мамлакат йўқки, унда халққа қарши содир этилган бу кўринишдаги жиноятлар учун жазо тайинланган бўлса. Бунақа хоинлар жазодан холи қолишади одатда, лекин таърих саҳифаларига уларнинг номи лаънат билан ёзиб қолдирилади.

Демократия қуйидан бошланади деб таъкидладик. Уни ҳукумат эмас, биз – ўша оёқ ости бўлиб келаётган Ўзбекистоннинг фуқаролари тамсил эта оламиз холос. На АҚШ, на Буюк Британия ва на Европа бизга уни қуриб бермайди. Ахир айтадиларку: “ҳақ олинур, берилмайди”! Осмондан чалпак ёғишини кутсак, унда яна бир неча аср диктатура зулми остида қолиб кетамиз. Бизку ўлиб қутилармиз, лекин болаларимизга, набираларимизга ва улардан кейинги авлодларга ҳам мана шу қулдорлик тузимини мерос қилиб қолдирган бўламиз. Келинг азизлар, яхшиси уларга ҳурликни мерос қилиб қолдирайлик!

Ўзбекистон конунчилигида фуқаролар ҳукумат тизимидаги давлат ташкилотларига ва ҳуқуқни муҳофоза қилувчи идораларига мурожаат қилар эканлар, уларнинг аризалари конун асосида текшириб ҳал қилиниши ва бу ҳақда уларга ёзма жавоб берилиши керак, деган ёзувларни ўқиш мумкин. «Нажот»га мурожаат қилаётган фуқароларнинг аризаларида эса фуқароларнинг аризалари конуний ҳал қилинмай қолиб кетаётганини кўриш мумкин. Бугунги кунда ҳаммамиз яхши биламизки, барча муомолар марказида инсон туради, инсон муамолари ҳал этилмас экан, бошқа муаммолар ўз ечимини топмайди.

Маҳалласининг 100 нафар фуқароси номидан “Нажот”га мурожаат қилган Хазорасп тумани “Наврўз” маҳалласи 8-бўлимида яшаётган Давронбек Хўжаев (тел: +998941178146) ҳам 20 тага яқин хонадон истиқомат қиладиган маҳалла аҳли номидан кўплаб инстанцияларга мурожаат қилишига қарамасдан, арз-додини ҳеч ким тингламаётганини билдиради.

Мазкур аҳоли яшайдиган бўлим худудидаги турар жой иморатларига қарама-қарши бўлган экин майдонларига 10 йилдан зиёд муддат давомида узлуксиз шоли экилиб келинаётганлиги ернинг экологик мувозанати бузилишига олиб келган.

Ер ости сизот сувларининг юқори кўтарлиши натижасида аҳоли турар жойларига талофат етиб, уларнинг замини ботқоққа айланиб, қурилган уйлар пастга чўкиб, пахсалари айрилиб, ўз-ўзидан ерилиб, ўмраб кетмоқда. Томсорқа ерларида шўрланиб, боғ қилиш ўтқизилган дарахт ниҳоллари қуриб қолмоқда.

БОЙГА БОЙЛИК, ОДДИЙ ХАЛҚҚА ЛОЙЛИК



Томорқаларда экин экиб, ҳосил олиб бўлмайти. Шу ерда истиқомат қилувчи аҳолини соғлиги ёмонлашмоқда, ёшлар орасида турли касаликлар келиб чиқмоқда, аҳоли соғлигини сақлаш учун кўплаган маблағ сарфламоқда.

Давронбек Хўжаевга кўра, шоли экилаётган майдонлар илгари кўп йиллар давомида вилоят солиқ тизимида ишлаган амалдор Ойбек Бобоевга тегишли экан.

Худуд аҳолиси бу бемаъниликни тўхтатиш хусусида Ойбек Бобоевга ва тегишли идораларга мурожаат қилган, аммо Ойбек Бобоев ўзгалар мулки барбод бўлишига бефарқлик билан қараб келмоқда. Амалдор шоли экиб, уни сотишдан тушаётган даромаддан бойликка эга бўлмоқда, оддий халқ эса унинг шу қилмиши туфайли лойга булганмоқда.

Ҳар йили Хоразм ерлари шўрланиб бора-

ётгани, курғоқчилик шароитида шолига кўп сув сарфланиши муаммоларни юзага келтираётгани туфайли ҳокимликлар томонидан шоли экилишини камайтириш юзасидан турли тадбирлар олиб борилади. Лекин бу тадбирлар Ойбек Бобоевга ўхшаган бадавлат амалдорларга ҳеч қандай таъсир қилмайди. Халқнинг додини ким эшитаркин?

“Нажот” Хоразм вилояти экология қўмитаси, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, давлат санитария эпидемиология назорати маркази, кишлоқ хўжалиги саноат бошқармаси, шу соҳага масъул бўлган бошқа ташкилотлар ва ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамда Хазорасп туман прокуроридан мазкур муаммони бартараф қилишда кескин конуний чоралар кўришни талаб қилиди.

Хайитбой ЯҚУБОВ,
Хоразм вилояти “Нажот” инсон ҳуқуқлари ташкилоти раиси

ЎЗБЕКИСТОНДА КЎПЛАБ ПРОКСИ-СЕРВЕРЛАРГА ЙЎЛ ТЎСИБ ҚЎЙИЛДИ



Ўзбекистон президенти Ислом Каримовнинг инфаркт бўлиб қолгани тўғрисидаги миш-мишлар республика кўшимча ахборот изоляциясига олинаётгани билан тасдиқланаётганга ўхшайди: “Фарғона” сайтнинг ўқувчилари маълум қилишича, “кечадан бери сайтга киришнинг иложи бўлмапти, барча прокси-серверларга йўл тўсиб қўйилган”.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистонда 2005 йил Андижон фожиясидан сўнг “Фарғона” сайти блокировка қилиб қўйилган. Бугунги кунда Ўзбекистонда юзлаб сайтларга йўл доимий тарзда тўсиб қўйилган. Бу сайтларнинг аксарияти муҳолифатга қарашли ёки ҳуқуқ ҳимоя мавзуси бўйича фаолият юритадилар. Шунингдек, Ўзбекистон ва Ўрта Осиёдаги янгиликларни ёритишга ихтисослашган (Fergananews.com, Uznews.

net, Uzmanet.com ва бошқа) сайтлар ҳам блокировка қилинган. Ўзбекистон расмийларининг жиғига тегадиган, мисол учун, коррупция ёки ҳукумат мулозимлари томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар, сиёсий репрессиялар, мажбурий болалар меҳнати, қийноқлар қўлланиши, иқтисодийнинг ночор аҳволга тушиб қолгани, аҳолининг тобора қашшоқлашиб бораётгани ҳақида мақола ёки хабарларни чоп этган бошқа оммавий ахборот воситаларининг сайтлари ҳам вақти-вақти билан блокировка қилиб турилади.

Вақт ўтиб кўплаб интернет фойдаланувчилар мазкур тўсиқларни прокси серверлар воситасида айланиб ўтишни ўрганиб олдилар. Энди бўлса, расмийлар ўша прокси серверларга ҳам йўлни тўса бошладилар. Бунга “Фарғона” ўқувчиларининг хабарлари гувоҳлик берапти.

Бошқа тарафдан олиб қараганда, Ўзбекистондан туриб сайтимизга тўғридан-тўғри (проксидан фойдаланмай) кираётган фойдаланувчиларнинг сони мунтазам равишда ошиб борапти. Булар ким бўлиши мумкин? “Фарғона” маълумотига кўра, булар элчихоналар, ҳамда хорижий давлатларнинг Тошкентдаги ваколатхоналари ходимлари ҳамда ўзбекистонлик дипломат-

лар ва ахборот мониторинги билан шуғулланувчи, қидирув ва блокировка қўювчи махсус хизмат ходимларидир. Улар оддий одамлардан фарқли ўлароқ тақиқланган сайтларга тўғридан-тўғри кириш имкониятига эга.

Шу билан бирга, Ислом Каримовнинг соғлиғи билан боғлиқ муаммолар тўғрисидаги миш-мишлар интернетда майдонини фаол эгаллаб бормоқда. Мисол учун, Ўзбекистонда давлатга қарашли оммавий ахборот воситаларидан биридаги номи маҳфий қолган манба Росбалт ахборот агентлигига президентнинг инфаркт бўлиб қолгани тўғрисидаги ахборотни тасдиқлади.

Ҳар қалай, ҳеч ким ҳеч қандай тафсилотларни билмайди, бу миш-мишларни тасдиқловчи ёки инкор этувчи расмий маълумотлар йўқ. Ўзбекистон умуман олиб қараганда тинч, Тошкентда тартиб кучайтирилгани сезилмапти, вилоятларда ҳаёт илгаригидек маромида кечиб борапти.

Ўзбекистон президенти сўнгги бор Наврўз байрами муносабати билан ўтказилган тадбирда кўринган (19 март).

СИЁСИЙ МАЙДОНДА РАҚИБНИ ҚАНДАЙ “НОКДАУН” ҲОЛАТГА КЕЛТИРИШ МУМКИН?!

Ҳурматли устозим, Толиб ака Ёкубов ҳар гал биз билан учрашганларида, доим бизга бир гапни эслатиб ўтардилар: “Агар сиз рақибингиздан устун келмоқчи бўлсангиз, унда унинг нозик томонларини изланг” деб инсон ҳуқуқларига оид масалалар юзасидан тарбия берарди.

Энди шу ўринда савол туғилади. Хўш сизнинг рақибингиз ким бўлиши мумкин?! Албатта, Ўзбекистонни 23 йилдан буён бошқариб келаётган жаноб Ислон Абдуғаниевич Қаримов ва у кишининг командаси: МХХ, Прокуратура, ИИБ, Хокимият ва шу хокимиятга “хайрихоҳ” инсонлар. Аммо сизнинг рақибингиз сиздан юз баробар моддий жиҳатдан устун бўлса, унда нима қилмоқ керак? Сиз ўша рақиб билан, ҳазрати Алининг майдонида “ринг”га чиқа оласизми? Сиз шунга тайёрмисиз?

Бирок сиз рақибингизга қараганда моддий жиҳатдан қашшоқсиз. Лекин бундан асло чўчиманг! Вақти-соати келиб, рақибингизнинг ҳамма бойликлари сизники бўлади! Сиз рақибингизга нисбатан маънавий жиҳатдан миллион мартаба устунсиз ва бойсиз. Энг ажойиб томони шуки, сиз рақибга қараганда иймонли, эътиқодли, инсофли, виждонли, бир сўз билан инсонсиз. Сўзингиздан ва эътиқодингиздан қайтмайдиган одамсиз. Ўз эркингиз ва ҳуррият учун курашаолдиган фуқаросиз.

Шу ўринда бизга ўрناق бўладиган бир ягона инсон бор. Бу – ҳазрати Мухаммад (с.а.в.) пайғамбаримизнинг ҳаёт йўллари. У кишининг битта бўйралари ва биргина кийим-бошлари бўлган холос. Бошқа ҳеч нарсалари бўлмаган. Фақат сиз ва биздан фарқ қиладиган томонлари шу бўлган-ки, Аллоҳ Таоло у кишига пайғамбарлик унвонини берган. Аллоҳ Тало пайғамбаримизга: “Эй Мухаммад! Сиз юрган йўлларингизни тиллога айлантирайми, Сиз кийган кийимингизни биллурга буркайинми...” деганида, пайғамбаримиз Мухаммад (с.а.в.): “Эй Оламлар Парвардигори! Эй Аллоҳ! Бир кун оч бўлсам ва бир кун тўқ бўлсам, шунинг шукрини Сенга айтсам, менга шу етарли. Оч бўлганимда, тўқ бўлган кунларимни эслаб, Сенга шукрини айтай ва Сенга дуолар қилай. Сен менга ваъда қилганинг каби умматимга жаннатингни насиб этсанг бас!” деганлар.

Шундай экан, бу дунёдаги бойликлар бир чақага арзимади. Аммо ўз бойлигингиз ва жонингизни шунга тикиб курашсангиз, бундан ҳам олий химмат борми бу дунёда?

“Мол аччиғи – жон аччиғи” деган баъзи бир инсонларимизга қарага айтмоқчиман: Сиз топган ўша “магоҳ” кимнинг жонига оро кириши мумкин? Аллоҳ Таоло “Бутун осмонлару-ер бўлиб балолар сизга чирмаса ҳам, фақат менинг

измим билан бўлади” деган. Шундай экан, ўзининг бойликларини ҳамма нарсдан устун қўядиган инсондан қандай қилиб, Ватан туйғуси тўғрисида сўзлаш мумкин? Бундай шахсга мол-дунёни бериб қўйгин-да, ўзингиз чеккага чиқиб томоша қилиш!

Сиз ҳеч қачон рақибингизни бойликларига кўз тикманг. У бир кун келиб, йўқ бўлади. Ўша бойликлар бир кун келиб сизники бўлади. Сиз рақибингизни энгмоқчи бўлсангиз, бир ёқадан бош чиқариб, бир тану-бир жон бўлиб курашинг!

Эсланг! Жаноби пайғамбаримиз Мухаммад (с.а.в.) “Бадр” жангига киришларидан олдин ҳаммани золимларга қарши курашга чақирган вақтларида, мусулмонлардан бир нечтаси, “Эй Аллоҳнинг Расули! Ахир, бизлар озчилик бўлсак. Улар биздан юз чандон кўп бўлса, қандай қилиб биз енгишимиз мумкин?” деб савол берганларида, Пайғамбаримиз Мухаммад (с.а.в.): “Биз билан бирга Аллоҳ! Шунинг Ўзи бизга мададқордир!” деб жавоб берганлар.

Сиз ва бизнинг курашадиган, “қуроли”миз фақат ва фақат диний ва дунёвий илмларни эгаллаш ва шу асосида курашдан иборатдир. Биз бу йўлда ҳеч қандай мансаб, истақ, мазҳаб талашмаймиз.

Пайғамбаримиз “Мендан кейин Аллоҳнинг каломини маҳкам тутинг ва менинг суннатимга амал қилинг!” дегандилар. Биз пайғамбаримизнинг суннатидаги инсонлармиз. Бизнинг Сиздан битта талабимиз бор. У ҳам бўлса, сизнинг мафқурангиз, маънавий жиҳатдан бой бўлиши керак. Шунинг ўзи сизу-бизга етарли.

Сиз ҳалқингиз келажакини ўйлаб, бу йўлга чиқмоқдасиз. Сиз Она-Ватанингиз дарди ва аламига, ҳасратига шерик бўлиб, бу оғир юкни елкангизга кўтармоқдасиз. Бундан ҳам нозик ва ўта мураккаб масала ҳам бўлиши мумкинми?

“Ҳалқимизни қоронғу зулматдан, ёруғ кунларга олиб чиққаман” деб курашмоқдасиз. Хатто-ки, ўз мол-дунёингиз, болачакангиз ҳаётини ҳавф остига қўйиб, бўлса-да, золимлар билан курашмоқчисиз.

Шу ўринда Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг шу сўзларини эсланг: “Аллоҳ сизларнинг на жисмингиз, на суратингизга боқади, балки ниятингиз ва амалингизга қарайди”. Шундай экан, “Рақибим мендан юз баробар устун бўлса, мен қандай қилиб у билан “ўйин”га тушаман.” деган кайфият, сизни асло ўйлантириб қўямасин.



Эсланг! Мусо (с.а.в.) даврида, Фиръавн билан яккама-якка курашди. Охири нима бўлди? Аллоҳнинг изни билан Фиръавн енгилди. Охир-оқибат сувга фарқ бўлди. Ҳозирги кунда Буюк Британия музейларида унинг жасади сақланмоқда. “Бу бани одам зотига, бутун башариятга ўрناق бўлсин” деб Аллоҳ Таоло ўзининг мўъжизасини кўрсатиб қўйган.

Шундан ҳам инсон ҳулоса чиқармаса. Демак инсон ҳақиқатан ҳам ношукур бандадир.

Эндиги навбат бизга етиб келди... “Мол-дунё, бола-чақа” деб Россия, Қозғоғистон ва бошқа давлатларга бориб, ўз кучимизни сарфлаб, соғлиғимиздан айрилиб, кўчама-кўча тентираб пул топиш учун, ўз танамизни ва жонимизни сотиб, ўзгалар олдида кулгига қолиб, яшаш сизнинг мақсадингизми? Шуми Сиз айтган ўша чиройли яшаш?

Бизнинг топган пулларимиз ҳалол меҳнат эвазига топилган. Аммо шу маблағ эвазига, сизнинг ҳисобингиздан ва кучингиздан фойдаланиб, яшаб келаётган текинхўр, порахўр, муттаҳамлар билан кураш вақт-соати етмадимикин?

Ўзингизни бу ҳолатга солган ва шу кулфатларни бошингизга ёғдираётган тузумдан кечмоқ даври келмадимикин?

Бу йўлда кўрашаётган, “Фиръавн”га қарши, 20 йил давомида сиёсат майдонида ўз эътиқоди, ўз халқининг келажакини ўйлаб, Алининг майдонида обрўси учун, тирашиб-курашаётган Мухаммад Солиҳга эргашиш вақти етмадимикин?

Ягона Аллоҳга мурожаат қилиб, “Ё Раб! бизни бу балолардан ва офатлардан қутқаргин!” деб кечаю-кундуз қўлларимиз дуода. Нима қилсак биз бу офатга қарши курашаоламиз???

Бизнинг йўлимиз ва мақсадимиз битта. У ҳам бўлса, халқимизни тинч ва фаровон ҳаётга олиб чиқиш. Конституциявий, ҳуқуқий давлат қуриш. Ягона ғоя асосида ва бир байроқ остида бирлашишингизнинг тарафдориман. Шу ўринда бобомиз Амир Темурнинг бир ўғитларини эслатиб ўтмоқчиман. “Ҳеч қачон душмандан кўркманг ва орқага чеккинманг. Аксинча, унга яқинлашга ҳаракат қилинг. Шунда душман Сизнинг довуорақлигингизга тан беради ва ўзи орқага чеккинади...”

ФИБРИЛ КОНВУЛСИЯЛАР (ФК)

Исҳоқ С. ҳикоя қилади:

“Болалагимда онамни бир йил эмганимни биламан, айтарлик безовталликлар ҳам бўлмади.

Мендаги безовталлик феврал, 2003 йилда, ҳид ҳолида бошланди. Авваллари бир муддатли ҳид эди. Илк келган ҳиднинг орқасидан бир неча кун ўтгандан кейин айни ҳидни яна ҳис қилдим ва яна қисқа пайт давом этди.

Кейин айни ҳид аралаш кела бошлади. Бир кун ишдан уйга келгунимча 3 марта такрорланди, кейин танам қалтак егандек, кучсиз ҳолга келди. Бу ҳолат маънавий деб ўйлаб, домлага бордим ва менга баъзи дуолар тавсия қилди.

Бир кеча иш жойимда атрофимда айни ҳидни сездим. Ётган жойимдан турдим ва сураларни ўқий кетдим. Ёнимдагиларнинг ҳам ўқишини хоҳладим, кейин ўтди.

Кейинроқ айни ҳолат ҳожатхонада келди. У ерда ўқий олмадим, лекин кетишларини бақирдим. Бақирганимда нормал ҳолга келдим, лекин ҳолсиз бўлиб қолдим ва ўша кун ҳолсизланиб юрдим.

Бир кечанинг тонгида кўзимни касалхонада очдим.

Тилимнинг яра экани ва оғзимга сиғмаётганини кўрдим.

Атрофимдагилар приступ бўлганини айтишди. Кўзим кетиб, тилим ташқарида, танам қисилган, томоғимдан хириллаш келибди.

Приступ узоқ давом этибди, охирида тағимни намлабман.

Илк воқеадан 2 ой ўтиб, такроран приступ бўлди, лекин қисқа давом этди. Кейин Ойдин хоним қабулига бордим, даволанишга бошладим.

Апрел ойидан бошлаб, 1-3 ҳафта ора билан 3 приступ яна ўтказдим. Приступларга сабр қилиб даволанишда давом этдим. 6 ҳафта кейин, бир кеча иш жойида ёлғиз эдим, креслода ухлабман.

Уйғонганимда ердалигимни ҳис қилдим. Турсам тилим қонаган ва тағим нам ва безовталанганимни билдим. Устимни алмаштириб ҳавотир билан ўтирдим. Яна ухлаб қолибман. Ухлаганимда такрор безовталанганимни кўрдим. Кейин июль ойи бир марта кундуз кунни приступ ўтказдим.

Ўтказган бу охириги приступ бўлди.

Даволаниш асносида 10 кунлик очликларни яна 2 марта қилдим.

Бугунгача ҳечам приступ бўлмади.

Ҳижрий ойларнинг 13, 14, 15 кунлари 3 кунлик очликлар тутиб келаман, баъзан қилмаган ойларим ҳам бўлади.

28 декабр 2008 йил.

Эзгу, Истанбул, 17 ёш, лицей ўқувчиси ҳикоя қилади:

Эзгунинг онаси айтади:

“Ҳомиладорликдан аввал бир неча ҳомилам тушиб қолганди ва қилинган текширувларда қонимда токсоплазма паразити борлиги аниқланди. Кейин даволандим. Эзгуга ҳомиладорлигимда 9 ой давомида аралаш қусдим.

Туғиш нормал кечди, фақат сунъий санчиқ ишлатилди. Туғишдан кейн 1.5 ёшигача сут эмган Эзгу 3 ойликдан мева суви, 6 ойликдан қўшимча овқат сифатида гўшт суви ва шўрва бера бошладим. Эзгунинг кўкрагида доимий хириллаш ва балғам бор эди.

Бу сабаб шифокор 3 ойликлигидан 10 антибиотик игна берди. Эзгу тез тез иссиғи чиқарди ва шифокор унга доим антибиотик, иссиқ туширувчи ва йўтал шарбати берар эди. 5 ёшидан аввал қисқа иссиғи чиқарди. Қусиш билан шифокорга кўринганимизда Эмедур берилди”.

Эзгу айтади:

“Мен Эзгу, 17 ёшдаман. 5 ёшимдан бери қусардим. Қилинган тадқиқотлар бир ташҳис қўйиша олмади. Аралаш қусиш, ошқозон шиши ва бош оғриғидан кейин 24 соат ичида 15-20 марта қусгандан кейин бир титраш, ҳолсизлик ва чарчаш бўлар ва дам олардим.

Ич кетиши ҳам бўларди. (Ёмон қусиш ва ич кетиши, жигар ёки миёда токсик модда тўпланганини кўрсатади. О.Солиҳ) Эмедур ва ошқозон дориси ишлатдим.

Фақат ҳафтада бир марта бу безовталлик такрорланарди. Энг охири Ван 100-Йил Университети Болалар Неврологияси бўлимида Эпилепсия ташҳиси қўйилди.

Ва мигрен бўлишим мумкинлиги ҳам айтилди. Конвилекс ва Бивотил номли дориларни камида 4 йил ичишим кераклиги айтилди. Бу ташҳис менга 11 ёшимдалигимда қўйилди.

Бу орада ҳар 3 ойда бир текширувлар билан МР си ва ИИГ олиниб, миямдаги электрланиш ортегани кузатилди. 4 йилнинг охирида дорим камайтирилиб, ташлаттирилди.

17 ёшимда безовталанишим такрорланди ва шифокорга бордим. Миёдаги электрланишнинг кўпайгани айтилиб такрор Конвилекс ва Бивотил берилди. Май, 2004.

Доктор Ойдин Солиҳ курсини бошлаб, дориларни ташладим. Бугунгача ҳечам приступ бўлмади”.

(Бугун Эзгу 20 ёшда. Бугунгача ҳам ҳеч приступ бўлмади. Январ, 2009, Ойдин Солиҳ).

Эзгу қўлланган дориларнинг қўшимча таъсирлари:

Эмедур: Паркинсонизм, унутиш, конвулсиялар, ҳолсизлик, ўта сезувчанлик, аралаш кўриш, ҳузурсизлик, координация бузуқлиги, оғиз қуриши, бош оғриғи...

Конвилекс: Жигарда функция бузилиши, бош оғриғи, мувозанатни йўқотиш, соч тўкилиши, тери реакциялари, локопения, тромбоцитопения, қонда қанднинг кўпайиши, кўриш ва қон қуюлишидаги бузилишлар...

Кўрганимиздек, Эзгунинг “эпилепсияси” қўлланилган дориларнинг ён таъсири эди ҳолос.

Бир беморнинг ҳикояси:

17 ёшли бир бола, “200 дона жиним бор, ҳаммаси кофир”, деди. Қутулишни хоҳлаб хоҳламаслигини сўрадим. “Хоҳлайман лекин буни иложи йўқ, улар жуда кўп, уларга бас кела олмайман”, деди.

Таомларини ўзгартириб сабзавот ейишни тавсия этдим.

“Едиришмайди”, деди.

“Майли мева енг” дедим.

“Умуман яқинлаштиришмайди”, деди. “Нима қилишди?”, дедим.

“Ҳар кун 3 дона оқ нон. Чипс, бисквит, шоколад ва колани яхши кўришди”, деди.

Соч желеси ишлатишини улар буюрганини айтди. “Майли, олдимга нега келдингиз?” дедим.

“Ота-онам олиб келишди”, деди.

Кенг тарқалган руҳий касалликлар

Андиша: Жойида тура олмаслик, уйқусизлик, юрак уришининг тезлашиши, ошқозон безовталлиги, юрак ўйнаши ва томир тортилиши.

Ваҳима хуружи: Нафас сиқиши, юрак ўйнаши, кўкрак оғриқлари, бўғилиш, титраш, ҳушдан кетиш ва кризисларнинг тўсатдан келиши..

Фобиялар (қўрқувлар):

Мантикий изоҳи бўлмаган қўрқув: ҳайвонлардан, баландликдан, учоққа (самолётга) чиқишдан, ёпиқ жойда туриш ва ҳақозолардан қўрқув.

Депрессия: Сиқилиш ва изтироб туйғуси, умидсизликка тушиш, уйқусизлик, ўз олдидан ўз қадрининг тушиши ва бу сабабли соғлиқнинг бузилиши.

Мания: Депрессиянинг тескариси: доимий уйғоқлик, чарчаш билмас ҳаракатчанлик, бирданига жаҳлга айланадиган яхши кайфият, уйку эҳтиёжининг камайиши ёки кунларча ухламаслик, ўзига ортиқча ишониш, ортиқча баҳо бериш бу касаллик учун типикдир.

Шизофрения: Фикрлаш ва қабул қилиш бузуқлиқларига сабаб бўлган бир қанча касалликка берилган умумий ном.

Белгилари: Бошқа кишиларнинг кўрмаган нарсаларини кўриш, бошқалар эшитмаган овозларни эшитиш, баъзан бир неча овознинг ўзи ҳақида тортишганини эшитиш, тушунча ва ҳаракатларнинг ташқаридан бошқарилишига ишониш.

(Давоми: кейинги саҳифада)

ФИБРИЛ КОНВУЛСИЯЛАР (ФК)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Олимплар бу касаллиқнинг генга боғлиқ бўлишини айтишади. Аммо бу касалларда ҳар қандай шаклий ёки биокимёвий мия бузилишлар кўрилмагандир.

Замонамизда руҳий касалликларнинг сабабини англаш жуда қийин.

Фақат Қуръони Каримда шу нарса очиқ ифода қилинган: “Ким Раҳмоннинг зикридан юз ўғирса, биз унга шайтонни тўғрилаб қўямиз. Энди у унга ҳамроҳ бўлади.” (“Зухруф” сураси, 36 оят)

Даволанишга, парфюмерия ва ароматлар, телевизор, компьютер, қўл телефони, тиббий дорилар, қўшимчали озиқ-овқат ва ичимликлар истеъмолини тўхтатиш билан бошланади.

Ҳар кун бомдод намозидан аввал ярмини, асрдан кейин ярмини ўқиш шарти билан, тартибни бузмасдан: “Фотиҳаи шариф”, “Бақара” сурасининг илк 5 ояти ва 163-164-чи оятлари, “Оятул курсий” ва “Аманаррасулу” (Бақара:285-286), “Ёсин”, “Софват”, “Роҳман”, “Воқеъа”, “Мулк”, “Кафирун”, “Ихлос”, “Фалақ”, “Нос” сураларини ўқиш керак. Даволанишнинг бошланишида Қуръони Каримни бир домла ёки яқинлардан бири ўқиши мумкин, лекин биринчи очликдан бошлаб, албатта ўзи ўқиши керак.


Инсон таом еяётганларга қараб қорнини тўйдиролмагани каби, Китобни ўқимасдан ҳам Қуръони Каримнинг ҳимояси давомли бўлмайди.

“Сод” сурасининг 41-чи оятининг ярми (Робби инни-дан бошлаб), “Мўъминун” сурасининг 97-98-чи оятлари, “Софват” сурасининг 7-чи ояти доим тасбеҳ қилиниши керак. Бу уч оятдан таркиб топган битта дуодир.

Ҳазрати Анасдан (р.а.) ривоят қилинган бир Ҳадиси шарифда “Жиниларнинг ашаддийларига “Бақара” сурасидаги шу оятларданда кучлироқ таъсир қилувчи нарса йўқ: Ва илахукум илахун ваҳидундан бошлаб икки оят (163-164)”, дейилади. Бу оятларни ёдлаш ва юқоридаги дуо оятларини кунига камида 300 марта тасбеҳ қилиш жуда таъсирли. Ётганда, юрганда, иш қилаётиб ҳам тасбеҳ қилиш мумкин.

Пайғамбаримиз (с.а.в.): “Васваса шайтоннинг уругидир. Экин майдони тўқларнинг қорнидир. Тўқликда содир бўлган васвасалар кучли ва ортувчи бўлади. Васваса оташи очликда сўнади. Мажнун оч қолганида, ахмоқлиги йўқолиб, ақлли бўлади”, дедилар.

Бир ой давомида ҳар душанба ва пайшанба 1 кунлик очлик тутилиши керак. Бу касаллар учун очликни давом эттириш жуда муҳим. Бир ой тугаганидан кейин касал 3 кун очлик тутиши керак, 4-чи кун кечқурун жигарни тозалаш керак. («Жигар тозаланиши 3 кун» бўлимига қаранг.)



Ҳадиси шарифда “Жин оловдан яратилган, сув уни сўндиради”, дейилган.

Бундан, ташқари:

3 кунлик очликлар 7 кун танаффус билан 14 марта тутилади. 7-чи ва 14-чи очликлардан кейин жигар тозаланиши такоррланади. («Жигар тозаланиши 3 кун» бўлимига қаранг.)

3 кунлик очликлар тугаганидан кейин, ҳар душанба 1 кунлик очлик ва ҳар ҳижрий ойнинг 13, 14, 15-чи кунлари 3 кунлик очлик тутиш давом эттирилади.

1-3 ой кейин 10 кунлик очлик тутилади. Баъзан 10 кунлик очликни 1-3 ой танаффус билан 2-3 марта такоррлаш керак бўлади.

Очликлар орасидаги кунларда мева, хусусан, узум ва анжир, янги сабзавот, хусусан, кўк барги сабзавотлар, занжабил чойи, табиий асал ва табиий зайтунёғи истеъмоли қилинади.

Булар Қуръони Каримда номи саналган ва катта маънавий таъсири бўлган егуликлардир.

Иложи борича кам ейиш керак.

Аромат ва қўшимча модда таркибли маҳсулотлар, тайёр таом ва ичимликлар, ҳеч қандай кир порошоғи, косметик ва тана парвариш маҳсулотлари умуман ишлатилмаслиги керак.

3 миқдор арслондуми ўти + 3 миқдор рябина + 2 миқдор ўғилўти + 2 миқдор қовоқ (валерьяна) ўти томири майдаланади.

Бир стакан қайнар сув билан аралаштирилади ва 5-10 дақиқа дамланганидан кейин сузилади ва кунда уч марта ичилади.

Қўрқув, ҳолсизлик, уйқусизлик ва чарчашни камайтиради.

Рух касаллари очлик билан бирга албатта қон олдиришлари керак, чунки улар ояти қаримада зикр этилган “ҳамроҳларини” фақат қон олдириш (хожамот) намоз ва Қуръон ўқиш билан бошқаришлари мумкин.

Қон олдириш курси:

Елкалар, бош орқаси, кураклар ораси ва ости, бел ва думгаза, тизза, яна бошдан хожамот навбат билан қилиниши керак. Бош, курак ораси ва

остидан хожамот бир неча марта такоррланиши керак.

Илк 2 ҳафта ҳар душанба ва пайшанба, кейинги 3 ҳафта ҳар душанба ёки пайшанба, кейин 3 ойда бир хожамот қилишлари керак. Қонда газ, балғам ва ёмон ҳид қолмайди.

Қон олдириш тугаганидан кейин 5 ҳафта кейин зулук қўйила бошланади.

Зулук курси:

Қулоқлар орқаси, ости ва энса чуқури остига;

Чакка, тепа милқлар ва бурун тешиқларига;

Анусга;

Оёқларга, жамъи 4 марта ва ҳар жойга 2-3 ҳафта ора билан 11 дона зулук қўйилади.

Рухий касалликлардан қутулиш учун Аллоҳга яқинлашишдан бошқа чора йўқ.

Баъзан тузалишга қисқа вақтда ва осон эришилади.

Тузаланган киши касалликдан кучли ва тажрибали инсон бўлиб чиқади.

Баъзилар даволанишдан кейин ўзларини янада яхши ҳис қилишади, фақат пайти-пайти билан эски ҳолга қайтиб туришади.

“Ҳақиқат шуки, шайтоннинг, ишонган ва ёлғиз Роббларига таваккал қилган кимсалар устида бир ҳокимияти йўқ. Шайтоннинг ҳокимияти фақат уни дўст билганлар ва Аллоҳга шерик қўшганлар устидадир.” (Наҳл сураси, 99-100 оятлар).

Тулай К. (33 ёш, қон гуруҳи А, хусусий қорхонада молия бўлими бошлиғи, Истанбул) нинг ҳикояси:

(Тулай хоним ҳикояси бугунги ёшлар учун типик мисол бўлганидан, бу ибрат тула ҳикояни, қисқартирмасдан келтираман)

“1973 йилда туғилганман. Онам хомилдорликда жуда чанқоқан экан, шифокор берган чанқоқ кетказувчи (Эмедур) дорисини ичишга мажбур бўлибди. Туғилишим нормал кечибди, яқин 1 ёшимгача эмибман, лекин кўшимча таомларни 6 ойликдан бошлаган эканман.

Болалигимда бир неча иссиқ чиқадиган касалликни бошдан кечирибман ва шифокор иссиқ туширувчи (парацетамол, аспирин), антибиотик (бактрим), йўтал шарбати (периброн) каби дорилар берибди.

ОЙДИН СОЛИХ

“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан
(Давоми келгуси сонда)



“Эркин Юрт” интернет-газетаси
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt

Мустақил манбааларнинг маълумотларидан фойдаланилди.

Масъул муҳаррир

Камолитдин Йўлдош